

“МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” ПРОФЕССОР ХУДОЙБЕРДИ ДОНИЁРОВ ТАЛҚИНИДА

Профессор Худойберди Дониёров илмий мероси орасида ўзбек тили тарихи масалалари ёритилган асарлар ниҳоятда кўп. Улар орасида Алишер Навоий асарлари таҳлили алоҳида ўринни эгаллайди(1). Олимнинг “Муҳокаमत ул-луғатайн” асари ҳақидаги фикрлари, айниқса, эътиборни тортади. Х.Дониёровнинг “Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари” номли китобидаги “Муҳокаматул - луғатайн» ва қипчоқ шевалари” сарлавҳали бобда Алишер Навоий асарига қипчоқ шеваларига муносабат нуқтаи назаридан ўзига хос баҳо берилган.

Профессор Х.Дониёров шундай ёзади: “Муҳокаматул-луғатайн» улуг мутафаккир, гениал шоир ва улкан тилшунос олим Алишер Навоийнинг умри давомида тил соҳасида қилинган ижодий ва илмий ишларининг якуни сифатида юзага келган асардир. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ўзининг бу асарида фақат тилга оид фикрларни баён қилиб қолмасдан, шу билан бирга ўзининг умри давомида қилган илмий, фалсафий, адабий-ижодий ишларига бирма-бир якун ясаган”(2).

Олим бу асар ҳақида ёзилган тадқиқотларни санар экан, камтарона куйидагиларни ёзади: “Масала бизга келганда шуни айтиш керакки, биз «Муҳокаматул-луғатайн»ни асосан унинг қипчоқ шеваларига муносабати нуқ-таи назаридан текширамиз ва шу билан боғлиқ ҳолда баъзи бир бошқа масалалар устида ҳам йўл-йўлакай фикр билдириб ўтамиз. Сирасини айтганда, Алишер Навоий катта бир даҳо бўлса, унинг асарларининг тили ҳали етарли очилмаган бир беҳисоб дурдона хазинасидир. Ана шунинг учун ҳам бизга туюлишича бу тема устида биздан кейин ҳам кўп ишлар ёзилажак ва ёзилиши ҳам керак”(83-бет).

Х.Дониёров Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарини яратишдаги маҳоратини муносиб баҳолайди: “Алишер Навоий ҳазратлари «Муҳокаматул-луғатайн»ни шу қадар ҳавас, шу қадар ҳафсала билан, каштакорлик ва заргарлик билан ёзганларки, уни ўқиган киши бу асарнинг оламшумул илмий аҳамиятидан ташқари, ажойиб бир бадиий қимматини ҳам, унинг илмий теранлиги билан бир каторда, унинг санъаткорона сифатини ҳам пайқаб олса бўлади, балки баралла кўрса бўлади.У ҳам бўлса шундан иборатки, бу илмий асар шеърӣй проза (яъни сажъ) йўли билан ёзилган бўлиб, бизга туюлишича, шу соҳада, шу жанрда ёзилган асарларнинг энг яхши наму-наларидан бири бўлиб ҳисобланади”.

Худди шунга ўхшаш, Алпшер Навоий ҳазратлари ўзининг ушбу «Муҳокаматул-луғатайн» номли илмий асари билан илмий грамматикамизни, илмий стилистикамизни, амалий (практик) стилистикамизни ҳам асослаб берган ва бадиий асар тилини, унинг услубини,

унинг бадий хусусиятларини, шу бадий воситалар ичида энг асосий материал бўлган тил материали билан боғлаб ўрганишнинг намунасини ҳам кўрсатганлар.

Алишер Навоий аввало туркий тилнинг (ўзбек тилишг) форс тилида эквивалентини топиш қийин бўлган 100 та феълени санаб кўрсатади ва улардан баъзиларига ўша даврнинг шеърятидан келтирилган мисоллар билан таъриф беради, уларнинг маъно нозикликларини ва бойлигини очиб кўрсатади».

Олим Алишер Навоийнинг тилшуносликка бағишланган мазкур илмий асарида айtilган фикрлари ҳақида конкрет мисоллар асосида айрим мулоҳа-заларини билдириш билан бирга, Алишер Навоий кипчоқ диалектлари материаллари ва кипчоқ тиллари билан қай даражада таниш бўлган, уларни қай даражада билган деган масала устида ва шу билан боғлиқ ҳолда, мазкур асарда кипчоқ элементларининг қай даражада учраши, уларнинг адиб томонидан қай даражада ва қандай маъноларда қўлланганлиги каби масалалар устида мумкин қадар кўпроқ тўхтаб, батафсилроқ фикр юритади, баъзи дастлабки хулоса-ларини баён этади.

Х.Дониёровнинг қуйидаги фикрлари эътиборни тортади: "...Алишер Навоий томонидан бошқа тилларда эквиваленти топилиши қийин бўлган феъллар сифатида мисол келтирилган 100 та феълнинг 69 таси ҳозирги кипчоқ шеваларида мавжуд бўлиб чиқди. Шулардан 54 таси анча актив формада қўлланадиган феъллар бўлиб чиқди ва 30 таси кипчоқ шеваларининг фақат ўзларигагина тегишли бўлган, яъни фақат кипчоқ шеваларининг лексикаси-дагина учрайдиган феъллардан бўлиб чиқди. Булар асосан **қуруқшамок, жийжаймок, дўмсаймок, ўсанмок, ўхранмок, торикмок, сийланмок, серпмак, сермамак, куйманмак, сийпамок, мунғаймок, бурмак, турмак, томшимок (томшанмок), ўртанмак, кезармак, безармак** сингари феъллардир(88-бет).

«Муҳокаматул-луғатайн»да яна 100 дан кўпроқ отлар (исмлар), синонимлар, омонимлар, антонимлар, сифат даражалари ва феъл даражалари, қариндошлик терминлари, уй ҳайвонларининг номлари, қушлар ва қушчиларнинг номлари, уй асбоблари, эгар-жабдуқ абзаллари, қора уй ёки оқ уй абзаллари, рўзғор терминлари, ейимлик терминлари ва шу кабиларга келтирилган мисолларнинг кўпчилик қисми кипчоқ шеваларининг материалларидан олинганлигини Х.Дониёров ўз кузатишлари асосида алоҳида қайд этади. Масалан, «тикон» сўзининг ўзи «Муҳокаматул-луғатайн»да кипчоқ шеваларидаги сингари «тикан» деб берилгани ҳолда унинг ҳозирги тилимизда, асосан кипчоқ шеваларида учровчи «чўкир» синоними ҳам кўрсатилган. Шунингдек, «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган **«жўрка» (жўрға-ёввойи қуш), «борувға», «Оқ уй», «бўсаға», «увиғ», «тағи», «қулун», «той», «ғунон», «дўнан», «ийар», «эрин»,**

«жилбур» (чилвир), «кушқун» (қуюшқон), «жазлиғ», «тўшга», «қалпоқ», «қонтор» каби сўз ва терминлар шулар жумласидандир(88-бет).

Олим “Муҳокаматул-луғатайн» тилида кўплаб учровчи қипчоқ элементларини уларнинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратиб, уларни адабий тил билан қиёслайди. Фонетика бўйича қиёслашлар Алишер Навоий асарлари тили вокализмини аниқлаш учун зарур бўлган материаллар таҳлилидан иборат бўлиб, улар фактларга бойлиги, тадқиқотларда билдирилган фикрлар(масалан, А.К.Боровков мулоҳазалари)га муносабатнинг аниқлиги жиҳатидан ажралиб туради.

Алишер Навоийнинг қипчоқ шеваларига муносабати ва улардан асарларида муваффақият билан фойдаланганлиги ўзига хос маҳорат сифатида баҳоланиб, олим шундай ёзади: “Алишер Навоийнинг услуб соҳасидаги бундай маҳоратидан ҳозирги ёзувчиларимиз, журналистларимиз, филолог олим-ларимиз, таржимонларимиз ва, умуман, маданият ходимлари ўрнак олсалар, ҳозирги тилимиз ва диалектларимиздаги, жонли халқ тилидаги ана шундай имкониятларни танлаб олиб ўз асарларида қўлласалар ва уларни парваришлаб, адабий тилимизнинг бойлигига айлантирсалар, унинг нормасига киритсалар яхши бўлар эди. Чунки шундай қилинса, ҳам бадиий адабиёт, ҳам терминология, ҳам адабий тил, ҳам стилистика ютиб чиққан бўлар эди”(90-бет).

Худойберди Дониёров илмий меросининг қимматли томонларидан бири шундаки, тарихий фактлар аниқлиги, фактларга бой баён қилиниши билан бирга бугунги кун муаммоларини ҳал этишга ҳам хизмат қилади. Олимнинг қуйидаги мулоҳазаларига эътибор қилайлик: “Умуман эски ўзбек адабий тилида, жумладан, Алишер Навоий асарларида қаратқич келишигининг кўрсаткичи -«нинг» аффикси асосан тўғри қўлланади. Лекин шу билан бирга баъзи ҳолларда унинг ўрнида тушум келишигининг кўрсаткичи бўлган - «ни» аффиксининг қўлланганлигини ҳам учратиш мумкин.

Маълумки, ҳозирги адабий тилимизда ва қипчоқ шеваларида қаратқич келишигининг кўрсаткичи деярли бутунлай аралаштирилмайди. Хусусан шаҳар шеваларининг таъсирига берилмаган қипчоқ шеваларида жуда аниқ изчиллик ва қатъиятлик билан қўлланади. Шаҳар шеваларида эса бу формалар деярли ҳамма вақт аралаштирилади. Тўғрироғи, шаҳар шеваларида бу иккала форманинг ўрнида асосан тушум келишигининг формаси қўлланилади, холос. Шунга кўра, бу иккала форманинг аралаштирилиши хали XV асрдаёқ бошланган ва адабий тилга ҳам ўтган, деб хулоса чиқариш мумкин. Лекин ҳозирги ўзбек адабий тилида бу формаларни қўллашнинг қипчоқ шеваларидаги ҳолати (қоидаси, қонунияти) асос қилиб олинганлиги сабабли ҳозирги адабий тилимизда бу формалар аралаштирилмасдан қўлланади”(100-бет). Ушбу фикрлар бугунги кунда қаратқич келишигини

қўллашда оммавий ахборот воситаларидаги айрим эътиборсизликларга барҳам беришга кўмаклашади.

Алишер Навоий асарининг қипчоқ шевалари морфологияси билан қиёсланиши ҳам фактларга бойлиги, олимларнинг тадқиқотларига муносабатнинг аниқлиги билан эътиборни тортади. Олимнинг чуқур билим, теран ақл соҳиби эканлиги, тилшунос-тадқиқотчи сифатидаги ноёб қобилияти ишо-нарли илмий фикрлар баён этишга асос бўлиб хизмат қилган.

«Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган 100 та феълдан 30 таси фақат қипчоқ шеваларига тегишли эканлиги ва уларнинг асосланиши эътиборни тортади. Олимнинг қуйидаги фикрларига назар ташлайлик:

Алишер Навоий бошқа тилларда, хусусан, форс тилида эквиваленти топилиши қийин бўлган 100 та феълни санаб кўрсатгандан кейин «ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлгон юз лафздин бир нечага машғуллуқ қилиб собит қилали, то хасм муқобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга қиёс қилсун», деб ёзади ҳамда биргина майни ичиш маъносида қўлланувчи турли хил синоним сўзларни мисол келтиради. Булар: «сипқармоқ», «томшимоқ» (тамшаниб ичмоқ) ва шу сингари бир неча формалардир. Булар-дан Алишер Навоийнинг фикрича, майни бирданига кўтариб ичишни англатишда «сипқармоқ» сўздан ортиқроқ даражада аниқ ва бадиий муболағали сўз топиш қийин: «Бири сипқармоқ лафзидурки, муболаға мун-дин ўтмас. Туркча назмда бу матла бордурким» деб қуйидаги байтни мисол келтиради.

Соқие, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,

Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқорай(114-115-б.).

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да ўзи томонидан келтирилган ҳар бир мисолга худди ана шу йўсинда ёндошади, уларнинг ҳар бирига аввал таъриф беради, олдинги сўз ёки синонимдан кейинги сўз ёки синонимнинг фарқи нимада эканини илмий ва бадиий далиллар билан очиқ ва раво қилиб фарқлаб беради. Уларининг ҳар бирининг бадиий асар ва, хусусан, поэзияда рангба-ранг стилистик оттенкаларни акс эттиришда қандай аҳамияти борлигини қайд қилади. Қайси ўринда ва қайси контекстда улардан қайси бирини қўллаш кераклигини алоҳида уқтиради ва шундан кейин ўзи айтган фикрнинг ҳар бирини ўша давр поэзиясининг ноёб намунасидан қолтирилган ёки шоирнинг ўзи томонидан ижод этилган бадиий мисоллар билан бирма-бир тасдиқлаб ўтади.

Масалан, у «томшимоқ» феълининг (сўзининг) маъносини «сипқармоқ» сўзининг маъноси билан солиштирар экан, бу маънолар берадиган фарқлар ва бу маъно фарқлари орасидаги оттенкалар ҳақида тубандагича ёзади: «Ва томшимоқки, ғоят завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа оз-оз ичар. Бу ғариб маъни адосида туркчада бу матлаъ бордурки.

Байт:

Соқий чу ичиб, манга тутар қўш,

Томший-томший ани қилай нўш».

Шунингдек, Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да «йиғламоқ» феълининг «йиғламсинмоқ», «инграмоқ», «синграмақ», «сиқтамоқ», «ўкурмақ», «инчқирмақ» каби 7 та синоними борлигини қайд қилади ва бу синоним-ларнинг ҳар бирининг маъноларини ва бу маънолар орасидаги стилистик фарқлар ва нозикликларни кўрсатиб ўтади:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,

Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Алишер Навоий томонидан «йиғламоқ» феълининг синонимлари сифатида кўрсатилган 7 та феълдан 4 таси («инграмоқ», «синграмоқ», «сиқтамоқ» «ўкурмақ») ҳозирги қипчоқ шеваларида ва 3 таси адабий тилимизда учрайди. Биттаси эса («синграмоқ») ҳозирги тилимизда мустақил ҳолда қўлланмайди, фақат «инграб-синграб» деганда янги маъно оттенкасини касб этувчи жуфт феълнинг бир компоненти сифатидагина қўлланилади. Бу жиҳатдан ҳозирги адабий тилимиз билан қипчоқ шевалари орасидаги тафовут буларнинг биргаликда эски ўзбек адабий тилидан қиладиган тафовутига нисбатан камроқдир(116-бет).

Юқорида олим асаридан келтирилган таҳлил намунаси бугунги кун тадқиқотчилари учун ҳам намуна вазифасини ўтай олади. Масалага тарихий нуқтаи назардан баҳо бериш, асослаш, адабий тил ва шевадаги ҳолатни баҳолаш, ҳозирги давр муаммолари билан уларни боғлаган ҳолда хулоса чиқариш Худойберди Дониёров тадқиқотларига хос ноёб фазилатлардан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Алишер Навоийнинг қимматли асари ҳақида олимнинг айрим хулосалари ҳам эътиборни тортади: “Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» номли машҳур асари унинг умр давомида қилган илмий-иждоий меҳнатининг самараси, тилшуносликка оид илмий-назарий фикрларининг якуни ва натижасидир. Бу асар тилшунослигимиз учун катта бир маданий мерос ва туганмас хазинадир.

Дарҳақиқат, биз «Муҳокаматул-луғатайн»ни қайтадан анча мукамал ўрганиб чиққанимиздан кейин, ўзбек тилининг стилистикаси сингари, ўзбек тилининг илмий грамматикасини ҳам биринчи бўлиб яратган киши улуғ Алишер Навоий ҳазратлари экан деган хулосага келдик.

Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асари билан илмий грамматикамизни ҳам, илмий-амалий стилистикамизни ҳам асослаб берган ва бадиий асар тилини, унинг услубини, унинг бадиий хусусиятларини, бу бадиий воситалар ичида энг асосий материал бўлган -

тил материали билан боғлаб ўрганишнинг намунаси ҳам кўрсатиб бергандир.

Қисқаси, «Муҳокаматул-луғатайн» ҳозирги тилимизни ўрганиш учун ҳам, қипчоқ шеваларини адабий тилимиз билан боғлаб ўрганиш учун ҳам бебаҳо хазинадир. Ана шунинг учун ҳам буни тушунган улуғ Навоий ушбу асарни тугатар экан, фахр билан: «Ва ҳаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасихлариға улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар... Умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва руҳумни анинг била шод қилғайлар», деб ёзган эди. Улуғ шоирнинг бундан 500 йил бурун башорат қилиб айтган сўзлари ва орзу-умидлари фақат бизнинг давримизга келиб тўлигинча рўёбга чиқди(120-122-б).

Умуман олганда, профессор Худойберди Дониёров илмий мероси ва унинг асарларида тил тарихи масалаларининг ёритилишини ўрганиш ўша муаммога илмий нуқтаи назардан ҳолисона ёндашиш, тарихий фактларга асосланиш, адабий тил ва шевага хос хусусиятларни баҳолай олиш, ҳозирги давр муммолари билан бағлаган ҳолда қимматли ҳулоса чиқариш, энг муҳими, тадқиқотчидан талаб қилинадиган чуқур билим, ақл-идрок, фаҳм-фаросатдан оқилона фойдаланиш намунаси сифатида баркамол тилшунос олимларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Дониёров Х. Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир. // “Навоий ва адабий таъсир масалалари” тўплами. – Тошкент: Фан, 1968; Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1972; Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. – Тошкент, 1976. – 140 б. Данияров Х. Опыт изучения джекающих(кипчакских) диалектов в сравнении с узбекским литературным языком (на материале Самаркандской и Джизакской областей). - Ташкент: Фан, 1975. - 240 с. ва бошқалар.

2. Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. – Тошкент, 1976. – 140 б.(Бундан кейин ушбу манбанинг фақат саҳифасини кўрсатамиз).